

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

ЭЛ АРДОҒИДАГИ АДИБ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

ЭЛ АРДОҒИДАГИ АДИБ

*Мирзакалон Исмоилий таваллудининг
100 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

78.342

Э 45

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи
Мухаррир
Матн терувчи

М.Матмуродова
Шукур Қурбон
З.Жалилова

Эл ардоғидаги адиб: Мирзакалон Исмоилий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Мухаррир Шукур Қурбон.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-28 б.

КБК 78.342+83.3 (5 Ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма адиб ва таржимон Мирзакалон Исмоилий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган. Қўлланма адиб ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда мутахассислар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

Муқаддима

*Агар адабиётнинг ўзаги
“одоб” сўзидан олингани
рост бўлса, Мирзакалон
Исмоилий жуда маданиятли
инсон эдилар.*

Мели Норматов

Таниқли адиб, моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос наср қасрини яратди.

Адиб адабиётга дастлаб истеъдодли ҳикоянавис, журналист-публицист, таржимон сифатида кириб келди.

Мирзакалон Исмоилий халқимиздаги маданият, меҳнатсеварлик, ширинсуханлик, кўнгилхонлик, ишқ-муҳаббат, иффат, ҳаё, одоб, хулқ-атвор, одамийлик каби инсоний фазилатларни улуғлаб қалам тебратди.

У ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган ёзувчидир.

2008 йил 15 октябрда Мирзакалон Исмоилий таваллудига 100 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани кенг нишонлайди, чунки ёзувчи ижоди кўпчиликни мафтун этиб келган, асарлари рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Китобхонлар диққатини жалб қилиш ва ижодини кенг тарғиб қилиш учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари, адабий-бадвий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этишлари лозим. Бунинг учун улар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдими, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мунозара, учрашув ва хотира кечалари, китоб кўргазмаларидан фойдаланишлари мумкин.

Уларни ташкил этишга филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига оммавий тадбирлар ўтказишларида Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, тилшунослар, таржимонлар, адабиётшунослар, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берамиз.

**Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаёти ва фаолиятига
бир назар
(1908 – 1986)**

Таниқли адиб ва моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий 1908 йил 15 октябрда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида дунёга келди. У дастлаб қишлоқ мактабида ўқиди, кейин шаҳар мактаб-интернатида тарбия олди. Тошкентга келиб, ўзбек эрлар билим юртида таълим олди. 1928 – 1930 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида ўқиди, ўқитувчилик қилди.

Мирзакалон Исмоилийнинг дастлабки ижоди “Саккизинчи март хотин-қизлар озодлиги” номли кичик пьесадан бошланган. Ушбу пьеса 1927 йилда нашр этилди.

У Ўзбекистон Давлат нашриётида (1932 – 1937), Тошкент киностудиясида (1937 – 1938), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (1939), “Қизил Ўзбекистон” газетасида (1948 – 1949) ва “Шарқ юлдузи” журналинда (1949 – 1950) ишлади.

Адиб иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У 1942 йилда фронтга жўнаб, 1947 йилгача ҳарбий хизматда бўлди. “Қизил Армия” номли фронт газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, ҳарбий мухбир бўлиб ишлади. Ёзувчи ва жанговар журналист сифатида фаолият кўрсатди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам адиб самарали ижод қилди. Жумладан, “Озод инсон ҳақида кўшиқ” номли новеллалар тўплами, одоб-ахлоқ бобида “Инсон ҳусни” номли китобчани

нашр эттирди. Шунингдек, у “Кенг майдонлар” пьесасининг (1948), катор очеркларнинг муаллифи ҳамдир. Жумладан, “Ватанга мухаббат”, “Гвардиячи”, “Гулхан ёнида”, “Ёрқин кунлар сари”, “Зифо”, “Икки кеча-ю, икки кундуз”, “Озодлик гулини хидлаган киши”, “Сенинг амринг” каби очерклари диққатга сазовор.

Маълумотларга кўра, Мирзакалон Исмоилий 1950 йил 30 ноябрда қатағонга учраб ҳибсга олинган. 1955 йил ноябрда гуноҳсиз топилиб озодликка чиқарилган.

Мирзакалон Исмоилий озодликдан маҳрум чоғида ҳам тушкунликка тушмай, қўлига қалам олиб халқи учун меҳнат қилди. Жумладан, “Фарғона тонг отгунча” романини ёзди ва озодликка чиққач, романга сайқал бериб, нашрга тайёрлади. Романда Октябрь тўнтариши арафасидаги ўзбек меҳнаткашларининг ҳаёти ва маърифат сари интилишини тасвирлаган. Роман ўзининг ғоявий-бадий хусусиятлари билан 60-йиллар ўзбек насри равнақиға муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Мирзакалон Исмоилий ёшлар ҳаётини акс эттирувчи “Бизнинг роман” (1963), маънавият ёғдуларини шарафловчи “Одамийлик қиссаси” (1965) каби пухта, гўзал насрий асарлари билан китобхонлар эътиборини қозонди.

“Одамийлик қиссаси”да ёзувчи одоб, ахлоқ тўғрисида ҳикоя қилади.

Муаллиф асарда ёшларни ҳамиша қизиқтириб келган гўзаллик, ишқ-мухаббат тушунчаларига аниқ ва равшан таърифлар беради, ажойиб ҳикматлар келтиради. Безакларға ўринсиз ҳавас қўйиб, одамийлик фазилатларини унутаётган айрим латтафаҳм ёшларға қарата: “... сен ҳар қанча ясаниб-тусанмагин, лабларингни, киприк-қошларингни, бетларингни ҳар хил ранглар билан бўямагин, турли-туман тақинчоқлар тақмагин, бари бир, инсоний фазилатинг бўлмагандан кейин сен хунуксан, сен жирканчсан, сен ногиронсан! Билиб қўй, сенга инсон ҳуснини берадиган, номингни пок, бедоғ сақлайдиган нарса юзингға сурадиган бўёқлар, қуюшқондан чиқиб кетган бачкана кийимлар, турли зебу зийнатлар эмас, йўқ, асло булар эмас! Сенга бу ҳусни чиройли ахлоқ, одоб, маданият, яхши

фазилат беради!” – дейди ва уларни инсофга чакириб, ўринли панду насихат қилади. Чиндан ҳам, улкан ёзувчимиз айтганидек, одам боласи умумбашар йўлида сира чарчамай, ҳеч эринмай курашиши керак. Чунки одамга ҳақиқий хусни инсоний хулқ-атвор, инсоний фазилат беради. Ҳа, бундай гўзаллик инсон тириклигида ҳам, дунёдан ўтганида ҳам унинг айнамайдиган хусни, абадий сиймоси бўлиб қолади.

Одабийлик тўғрисида гап борганда, адиб чароғон ҳаётимиз, маънавий ахлоқимиз ҳар бир кишидан ҳалолликни, адолатпарварликни, ростгўйликни талаб қилишини уқтиради: “Ҳаром бор жойда – разиллик, адолатсизлик бор жойда – жабр, ёлғон бор жойда – тухмат тантана қилади. Одамлар орасидаги пок муносабатларга путур етказадиган бу иллат жамиятни орқага, фақат орқага судрайди... Фосиқларнинг югурганлари сомонхонгача бўлса ҳам, лекин уларнинг бир кунлик умри жамиятга жуда қиммат тушади”, дея таъкидлайди ва ўтмишнинг бундай иллатларига ўт очишга, ҳар қаерда ва ҳар қачон аёвсиз кураш олиб боришга даъват этади.

“Одабийлик қиссаси”да инсонга оид жуда кўп фазилатлар бирма-бир санаб, таърифлаб ўтилади: меҳнатсеварлик, маданийлик, ширинсуҳанлик, кўнгилхонлик, оқкўнгиллик, юз чиройи, ишқ-муҳаббат, иффат, ҳаё, одоб, хулқ-атвор, фарзанд бурчи, ота-онадан лозими ва бошқалар тартиби билан тизилади ва халқ адабий тилида тушунтирилади. Қиссадаги ҳар бир воқеа, келтирилган далил ва фикр шундай моҳирлик билан тасвирланганки, гўё адиб китобхон билан юзма-юз суҳбат қуради, чин юракдан сўзлашади, орамизда учраб турадиган ва сира инкор қилиб бўлмайдиган иллатларни баралла очиб ташлайди, уларга барҳам бериш зарур эканини исботлайди.

Мирзакалон Исмоилий “Қизлар дафтари” (1980), “Ўзингдан кўр” (1986), “Инсон хусни” (1989) каби асарларида ҳам ёшлар ахлоқи, оилада тотувлик ва ўзаро ҳурмат масалалари ҳақида фикр юритади.

Жумладан, “Қизлар дафтари” китоби аёл-қизларга ўзгача таъсир этади. Асардаги Саодат буви атрофига тўпланган қизлар

– Турсуной, Нигора, Муқаддас, Ёркиной... ларда Ўзбекистон қизлари гавдалантирилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Ахророва берган маълумотга кўра, Мирзакалон Исмоилий жангоҳларда жон олиб, жон берган. Кейин болалигида севиб мутолаа қилган – Горькийнинг “Бўрон қуши қўшиғи”, Катаевнинг “Оқариб кўринар ёлғиз елкан”, Новиков-Прибойнинг “Цусима” асарларини таржима қилган.

Мирзакалон Исмоилий дастлаб Лев Толстойнинг “Тирилиш” романини 1938 йилда, кейинчалик шу ёзувчининг “Анна Каренина” романини ўзбекчага ўғирди.

Ёзувчи қатағондан сўнг озодликка чиққач, иккинчи жаҳон урушидан илгари бошлаган хайрли ишларини давом эттириб, қатор асарлар таржимасига киришди. Жумладан, М.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, Н.Островскийнинг “Бўрон болалари”, Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши”, Сервантеснинг “Дон Кихот” каби асарларини ўзбек китобхонларига тўхфа этди.

У жаҳон адабиётининг 200 дан ортиқ намуналарини ўзбек тилига таржима қилган.

Мирзакалон Исмоилий Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983) унвонига сазовор бўлган.

Таниқли адиб, моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий 1986 йил 5 майда вафот этган.

Тоҳир Маликнинг Мирзакалон Исмоилий ҳақидаги ёдномалари

Орадан йиллар ўтаяпти. Одамзод ҳар қандай айрилиқ, ҳар қандай хижронга чидайди. Кунлар ўтгани билан хотиралар хира тортмай, аксинча, тиниқланиб, юракни қон қақшатиб бир ўксик туйғулар уйғотади. Суянган тоғингиз, ишонган одамингиз, доно маслаҳатгўйингизнинг бу дунёни ташлаб кетганига ишонгингиз келмайди. Сўнгги суҳбатлар кулоқ остида қайта-қайта жаранглаб, сўнгги кўришувлар ва ниҳоят, энг охирги учрашув кўз олдингиздан кетмас экан.

Мирзакалон Исмоилий... Бу одамнинг истараси, сиймоси, кулиб турувчи кўзлари уни кўрган, билганлар хотирасидан ҳали ўчмади. Бу одамнинг номи адабиётга кўнгил қўйганлар тилидан тушганича йўқ. Мирзакалон Исмоилий менга ҳам тоға, ҳам устоз эдилар.

* * *

Одамлар “Фарғона тонг отгунча” романининг ёзилиш тарихи билан қизиқишяпти деганимда, тоғам маъюсгина жилмайиб: “Қандай жавоб бераман, китобни қамоқдалигимда ёзганимни айтганим билан эълон қилинмайди-ку?” деган эдилар.

* * *

Урушнинг бошидан — охиригача ўлим билан юзма-юз турган, Сталинграддан — Берлингача борган, сўнг яна бир неча муддат Берлинда хизматда қолган одам, озодлик учун жонини беришга тайёр инсон бўҳтон туфайли умрининг тўрт йилу тўрт ойини катағон йилларида Қарағанданинг кўмир шахталарида ўтказди.

* * *

Тоғам бир куни онамга “Учинчи китобни ёзмайман. Шунча меҳнат қилиб рўшнолик кўрмадим”, дебдилар. Бу одамнинг иродасини уруш буколмаган эди, қамоқ буколмаган эди, қадрсизлик букибди!

* * *

Тоғам китобларни худди синиб кетадиган чиннидай эҳтиётлаб олиб, стол устига қўйдилар. Кейин мадорсиз қўллари билан худди гўдак бошини авайлаб силагандай, китоб юзини силадилар. Менга қараб-қараб қўйдилар-да, кейин: “Шуни мен ёзганманми-а?” дедилар. Бу савол замирида ҳам фахр, ҳам ўкинч бор эди.

* * *

Баъзилар “Мирзакалон Исмоилий нима учун ахлоқ ҳақида куюниб ёзади, ё оиласи, фарзандлари нобопми, кўп азият чекадими?” деб ҳам сўрашади. Бу масалада аниқ айтишим мумкин: тоғамнинг оилалари жуда яхши. У киши ўн беш

набира, бир эваранинг суюкли бобоси эдилар. Ота-онанинг ҳурмати ҳақида кўп ёзишларига сабаб бошқа – ўзлари ота-она меҳридан бенасиб ўсганлар. Оналари барвақт оламдан ўтганлар. Оталари – Исмоилхўжа хотин устига хотин олаверганлар. Тоғам Андижондан Ўшга қочиб бориб етимхонада тарбия кўрганлар. Ундан Тошкентга ўқишга келганлар. Кейинроқ Тошкентга онамни ҳам олиб қайтганлар. Ўқишлари тугаб ишлай бошлагач, бувамни кейинги оилалари билан кўчириб келганлар. То умрларининг охиригача бувамнинг иккинчи оилаларини ўз оналаридай кўрар эдилар. Қариндошлар орасида ўгай она, ўгай ука деган гап бўлмас эди.

* * *

Тоғам табиатан содда, камтарин, меҳнаткаш одам эдилар. Кимдир менга “ёзувчи деган камтар бўларди, танлаган тахаллусини қара, Мирза калон эмиш. Катта мирза эмиш” деган эди. Бу бўлмаган бир даъво. Мирзакалон тахаллуслари эмас, бобомнинг қўйган исмлари. Бу исм қўйилганда гўдакнинг ким бўлиб етишиши номаълум эди. Онамнинг айтишларича, бобом тоғамнинг ўқишларига қарши бўлганлар.

* * *

Менга фақат бир нарса таскин беради: Мирзакалон Исмоилий бировларга куллуқ қилиб яшаганларида юқори мартабаларда ишлардилар, мукофоту унвонлар олардилар. Аммо амал қўлдан кетгач, сариқ чақалик кадрлари қолмас эди. Мирзакалон Исмоилий ўз халқининг содиқ, виждонли фарзанд эдилар, умр бўйи виждонларига хилоф иш қилмади. Ижодкорнинг энг буюк бахти шу. Бу бахтга муяссар ёзувчи барҳаёт бўлиб қолади.

Мирзакалон Исмоилий шундай ёзувчи эди.

Йиллар бу ҳақиқатни ҳали кўп марталаб исбот этади.

**“Мирзакалон Исмоилий ижодий фаолиятини ва у
ҳақдаги манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар
беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад Мирзакалон Исмоилий ижоди, унинг таржимаи ҳоли, ёзувчи асарлари, у ҳақда нашр этилган хотиралар, илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволлар тузиб, уларни икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини муаллифнинг романларига, ахлоқ ҳақидаги нашрларига, у ҳақидаги илмий ва бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Мирзакалон Исмоилий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмаси ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Мирзакалон Исмоилий қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Мирзакалон Исмоилий 1908 йил 15 октябрда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида таваллуд топган).

2. Унинг “Озод инсон ҳақида қўшиқ” ҳикоялар тўплами қачон чоп этилган?

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Озод инсон ҳақида қўшиқ” ҳикоялар тўплами 1948 йилда нашр этилган).

3. Ушбу келтирилган парча унинг қайси асаридан олинган?

Армон? Э-воҳ, бу нақадар даҳшатли сўз! Йўқ-йўқ, бу сўз эмас, ништар! Бу инсонни алам тўлқинларига шафқатсиз ирғитадиган, бағрига ханжар бўлиб санчиладиган, гоҳ қон йиғлатиб, гоҳ заҳар ютқазадиган аччиқ пушаймонлик! Ажабо, армонга йўл қўймаслик мумкин бўлган ҳолда бу азобни, бу гумроҳликни нечун ўзингизга раво кўрдингиз, Махфийроз? Наҳотки, сизда ўз нодонлигингиз учун бошқалардан, ота-она каби энг табарруқ, энг азиз кишилардан қасос олиш фикри бўлди? Наҳотки, сизда сизни бунёдга келтирган олижаноб инсонларга шукроналик билан хизмат қилиш ўрнига, уларни эл-қўй олдида ерга қаратиш қасди бўлди? Йўқ-йўқ, бу гумроҳлик, фарзанд юзини қора қиладиган – нонтепкилик! Сиз бундан сақланинг, Махфийроз!

(Мазкур парча Мирзакалон Исмоилийнинг “Исмани яширган киши” асаридан олинган).

4. Мирзакалон Исмоилийнинг 1949 йилда ёзилган пьесаси номини айтинг?

(Мирзакалон Исмоилийнинг 1949 йилда ёзилган пьесаси “Кенг майдонлар” деб номланади).

5. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Кўнгил, йиғла, фигонинг кўкка чиқсин!
Ўтинг олсин фалакни, осмонни йиқсин!
Ёвуз тақдир тиг урди қалбима, дод!
Нетай энди, тугади сабрим, ҳайҳот!
Дилим дардли, тилимда оҳу зорим,
Қорарди толеимдан рўзгорим.
Сафолат бошими ерга қаратди,
Ширин орзу-умидларни таратди.
Қаён урсам фиғон бирлан бошимни?
Қаёқ борсам тўкиб кўздин ёшимни?
Севарга севдириб тангрим, қилиб хор,
Очиқ кеткизмагил кўзимни зинҳор!

Ғуломжон навбатдаги сатрга қалам урганда, ҳужрасининг эшиги секин очилди. У ялт этиб қаради-ю, отасини кўриб, қаламини хонтахтага қўйди, ўрнидан кўзғалиб, отасига жой кўрсатди.

(Юқорида келтирилган парча Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” асаридан олинган).

6. Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи қачон ёзилган?

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи 1858 йилда ёзилган).

7. Мирзакалон Исмоилий қайси йиллари журналист сифатида аскарлик хизматида бўлган?

(Мирзакалон Исмоилий 1942 – 1947 йиллари журналист сифатида аскарлик хизматини ўтаган).

8. Куйида келтирилган парча ёзувчининг қайси рисоласидан олинган?

Болаларнинг ота-оналари олдидаги фарзандлик бурчлари ҳақида сира чарчамай гапирамиз. Тўғри қиламиз – гапириш керак. Баъзи бир нобоб болаларнинг ёмон қилиқларини, ота-оналарини ҳўрлаганликларини кўрсак – ғазабланамиз. Буни ҳам тўғри қиламиз – ғазабланиш керак.

(Парча Мирзакалон Исмоилийнинг “Одабийлик қиссаси”дан олинган).

9. Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар дафтари” асари қачон нашр этилган?

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар дафтари” асари 1980 йилда нашр этилган).

10. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Март довонидан ошар-ошмас бодомлар, ўриклар, шафтолилар; кейинроқ олмалар қийғос гуллаб, кўз олдингизга оқ, пушти пардалар тортади. Қаёққа қараманг, гул, гул, яна гул! Ғув-ғувланиб учган асаларилар симфониясини айтмайсизми! Бу илк баҳор таронаси кулоқларингизга уйғонган ҳаёт алёри бўлиб кирса, боғу роғлардан гупиллаб уриб турган хушбўйлар димоғингизни олқайди. Дунё бир бутун гулу, сиз ўзингизни шу гулнинг бир япроқчаси билиб қувонасиз”.

(Юқорида келтирилган парча “Қизлар дафтари”га киритилган “Биринчи оқшом ҳикояти”дан олинган).

11. Адиб М.Шолоховнинг қайси асарини ўзбек тилига таржима қилган?

(Мирзакалон Исмоилий М.Шолоховнинг “Инсон тақдири” асарини ўзбек тилига таржима қилган).

12. Келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

– Қизларимизга кўп яхши насиҳатлар қилибсиз, раҳмат сизга, опоқи. Қани энди, бу доно ўғитингизни бир бизгина эмас, бутун шаҳримиз аёллари эшитса! Гапиринг, опоқи, гапиринг, бизам баҳраманд бўлайлик қизларимиз баҳонасида.

Саодат бувининг юзига хиёл қизил югурди. У, ўнғайсизликдан ўзини суҳбатга созлаш учунми, ё ҳаяжонини босиш учунми, бир неча зум қизларига тикилиб тургандан сўнг босиғи билан гапира кетди.

(Юқорида келтирилган парча “Қизлар дафтари”га киритилган “Ўн биринчи оқшом ҳикояти”дан олинган).

13. Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи неча қисмдан иборат?

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи 3 қисмдан иборат. Биринчи қисми: “Қайтиш”, иккинчи қисми “Қорабулоқни ларзага келтирган бир кун”, учинчи қисми “Алданган умидлар” деб номланган).

14. Қуйида келтирилган парча адибнинг қайси асаридан олинган?

Юраги яна орзикди. Қандайдир мурувватсиз бир қўл уни чангаллаб қисгандай бўлди. Кейин, дуторни қўлига олиб ҳазин, мунгли бир хиргойи бошлади.

Не жафоким бошима тушди, давосин топмадим,

Ёр вафосин топдим, ёрон вафосин топмадим.

Мен каби қон йиғлаган севги гадосин, топмадим,

Ахтариб ҳақ йўлин, афсус, ҳақ садосин топмадим,

Толеим шўрлик экан, шўр интиҳосин топмадим.

Дутор пардаларида беозор яшириниб ётган мунг қалб нолаларига ҳамоҳанг урилган тор фарёдларига қўшилди, юракни янги дард, янги ҳасрат билан тўлдирди.

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романидан олинган).

15. Мирзакалон Исмоилийнинг қайси пьесасида ўзбек хотин-қизларининг озодлик учун кураши акс эттирилган?

(Мирзакалон Исмоилийнинг 1927 йилда босилган “8 март” номли ilk пьесасида ўзбек хотин-қизларининг озодлик учун кураши акс этган).

16. Н.Островскийнинг қайси асарини адиб ўзбек тилига таржима қилган?

(Мирзакалон Исмоилий Н.Островскийнинг “Бўрон болалари” асарини ўзбек тилига таржима қилган).

17. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Ёмон юрсанг – кетар бахтинг қўлингдан,

Адашма ҳеч тўғри юрган йўлингдан!

Ёмон хулқнинг оқибати – кўп ёмон,

Жазо тортгунг ахир бир кун беомон!”

(Юқорида келтирилган шеърий парча муаллифнинг “Қизлар дафтари”га киритилган “Ёттинчи оқшом ҳикояти”дан олинган).

18. Келтирилган ушбу парча Мирзакалон Исмоилийнинг қайси асаридан олинган?

Отам шу куни барвақт келди. Хурсанд эди. Марғилонлик ҳожилардан дарак топибди. “Эртага учрайман”, деди. Кейин: “Тезроқ жўнашса, йўл харажатимизга қарашса, иншооллоҳ, биз ҳам кетворамиз”, деди. Мен юкли эканимни, қайтишга уялганимни айтдим. Мен Фуод афандига ўрганиб қолган эдим. Ундан айрилиб кетгим келмасди. Отамга айтган гапим бир баҳона эди. Отам ўйланиб қолди. Кейин, худди менинг кўнглимни кўриб тургандай, Фуод афандидан айрилгим келмаганини сезгандай, “Хўжайин киярпими?” деб сўради. Мен: “Ўшандан бери кўрганим йўқ”, дедим. Ёлғон айтдим. Нимага десанг, бир ёқдан отамни хафа қилгим келмади, иккинчи ёқдан, отам бошқа ҳожихонага кўчириб кетса, Фуод афандидан жудо бўлиб қолмай, деб кўрққан эдим. Ётдик. Сахар палла бирдан кўнглим беҳузур бўлиб, тўлғоқ тута бошлади. Ҳайрон бўлдим. Ҳали мавруди эмасди. “Оғир юк кўтардимми,

йиқилдимми?” деб ўйладим. Бундай ҳоллар ҳам бўлмаган эди. Эрталаб доду фарёд билан юкимдан бўшадим. Ёмон қийналдим. Баданим ўт бўлиб ёнди, бошим оғриб, кўзларим тинди. Иссиғим ортиқлигидан сув устига сув ичардим. Бир ўлимдан қолдим. Отам қошимдан кетмади. Доям бўлиб бошимда ўтирди.

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романидан олинган).

19. Мирзакалон Исмоилий турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг қайси асарини ўзбек тилига таржима қилган?

(Мирзакалон Исмоилий турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” асарини ўзбек тилига таржима қилган).

20. Мирзакалон Исмоилий “Тўққиз паҳлавон” ҳикоясини қачон ёзган?

(Мирзакалон Исмоилий “Тўққиз паҳлавон” ҳикоясини 1944 йилда ёзган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Муаллифлар мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари, китобхонлар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг саҳифалари одатдаги журналдан бир мунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхонада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални муҳаррир очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида Мирзакалон Исмоилий таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз.

“Мирзакалон Исмоилий – таниқли адиб ва моҳир таржимон” номли оғзаки журналнинг намунавий режаси

Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганиш ва тарғиб этишда оғзаки журнал алоҳида ўрин тутати.

Маҳаллий матбуот орқали оғзаки журнални ўтказиш тўғрисидаги эълон-хабар берилиши мумкин, шунингдек, тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлаш, мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали ёзувларни тўплаш каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Мирзакалон Исмоилийнинг ёшлик йиллари”.

2-саҳифа: “Адибнинг илк ижоди”.

3-саҳифа: “Мирзакалон Исмоилийнинг ижтимоий фаолияти”.

4-саҳифа: “Мирзакалон Исмоилий – моҳир таржимон”.

5-саҳифа: “Мирзакалон Исмоилий ҳаётининг сўнгги йиллари”.

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар сўзга чиқиши мумкин.

1-саҳифа

“Мирзакалон Исмоилийнинг ёшлик йиллари”

Ушбу саҳифада Мирзакалон Исмоилийнинг болалик йиллари, мактаб даври ва шаҳар мактаб-интернатини тугатиши ҳақидаги маълумотлар берилиши мумкин.

2-саҳифа

“Адибнинг илк ижоди”

Бу саҳифада Мирзакалон Исмоилийнинг илк пьесалари, очерк ва қиссалари, адиб сифатида шаклланиши ҳақидаги маълумотлар берилиши мумкин.

3-саҳифа

“Мирзакалон Исмоилийнинг ижтимоий фаолияти”

Бу саҳифада эса меҳнат фаолиятининг бошланиши, матбуот ходими, журналистик фаолиятига доир маълумотлар берилиши мумкин.

4-саҳифа

“Мирзакалон Исмоилий – моҳир таржимон”

Бу саҳифада Мирзакалон Исмоилийнинг таржимонлик фаолияти, у таржима қилган асарлари ҳақида маълумотлар берилиши мумкин.

5-саҳифа

“Мирзакалон Исмоилий ҳаётининг сўнгги йиллари”

Бу саҳифада адиб ҳаётининг сўнгги йилларидаги ижоди ҳақида маълумотлар берилади.

Оғзаки журнал саҳифаларини муҳаррир тўлдириб бориши мумкин. Оғзаки журнал сўнггида муҳаррир тадбирга хулоса қилиб журнални ёпади.

Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи

Ушбу асар бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1 – 2 ой олдин бошланади. Бунинг учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига, ташкилот, жамоа, уюшма, муассасасаларга, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларига тадбир ўтказилиши ҳақида хабар берилади, иштирок этувчи китобхонларга таклифномалар юборилади. Маҳаллий матбуот, радио ва

телевидение орқали ўтказиладиган конференция ҳақида хабар берилиши унда кўпчиликни иштирок этишини таъминлайди. Конференция ўтказиладиган жойда адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Кўргазмадаги адабиётлардан обзор ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Конференция давомида иштирокчилардан асар ҳақида саволлар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

“Фарғона тонг отгунча” романининг қисқача мазмуни

Мирзакалон Исмоилийни элга машҳур қилган асар — “Фарғона тонг отгунча” романи. Ушбу романда муаллиф Фарғонанинг ўтмишини тасвирлайди. Адиб романда Фарғонанинг тонг отгунча бўлган аҳволини ёритишга қаратган. Романда соф муҳаббатли ҳақиқий ошиқ-машуқларни ҳам, буларга тўсиқ бўлган машъум урф-одат ва заҳарли чақир тиканларни ҳам, очлик, хўрлик қозонида қоврилган кишилар билан тўқликдан қайнаб тошган шахсларни ҳам, виждонли, олижаноб одамлар билан виждонсиз, ифлос кишиларни ҳам, халқ бахти йўлида қурбон бўлувчилар билан салтанат учун ҳар қандай разил ишларни қилувчи кишиларни ҳам образлар орқали ёритиб берган.

Ёзувчи романда жуда кўп масалаларни ҳаққоний ва моҳирлик билан очиб берган. У халқнинг урф-одат ва ахлоқини тасвирлашдан бошлаб, уни ёриб ташқарига чиқиб кетади ва асосий диққатини халқ ҳаётининг моҳиятини ва тарихдаги илғор кучларни кўрсатиб беришга, тарих яратувчи халқ образини гавдалантиришга қаратади.

Романда Али бува, Ҳасан сўфи, Замон, Барот полвон, Қудрат каби образлар китобхонга, унинг қалбига жуда яқин туради. Бу қаҳрамонлар халқ ичидан чиққан, шу халқ тақдири, бахти ҳақида қайғурувчи ва шу йўлда интилувчи, журъатли, доно кишилардир. Ҳақиқатан ҳам, бу образлар ҳаётий ва ҳаққоний чиққан.

Романда Ҳаёт образи ўзининг соф, самимий муҳаббати билан эътиборни тортади.

Умуман асарнинг композицияси кучли ва қизиқарли тузилган. “Ойдин кечада”, “Қичқир, хўрозим!”, “Бомдод номози”, “Ёсуман”, “Гуноҳкорлар” каби боблар жуда моҳирлик билан ёзилган ва улар романнинг ғоясини очишда катта роль ўйнаган.

Асар муҳокамаси учун тахминий саволлар

1. “Фарғона тонг отгунча” романи қандай романлар сирасига киради?
2. Романда урф-одатлар қандай акс эттирилган?
3. Романдаги Ғуломжон монологини айтиб беринг.
4. Романдаги воқеаларда қайси ёзувчиларнинг таъсири сезилади?
5. Романнинг бадиий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар дафтарига” номли асари ҳақида давра суҳбати ўтказишнинг намунавий сценарийси

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1 – 1,5 ой илгари бошланади.

Аввало тадбир ўтказиладиган жойда эълон ёзилади. Қуйида уларнинг намунавий шакллари келтирамиз.

Эълон!

Ҳурматли китобхон!

200__ йил _____ куни соат _____ да кутубхонамизда Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар дафтарига” номли асари ҳақида бўлиб ўтадиган давра суҳбатига таклиф этамиз.

Таклифнома

Ҳурматли _____,

Сизни 200__ йил _____ куни соат _____ да кутубхонамизда ўтказиладиган Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар

дафтарига” номли асари ҳақидаги давра суҳбатига таклиф этамиз.

Тадбир иштирокчиларига таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Тадбирни олиб борувчи уни қуйидаги сўзлар билан очиши мумкин.

Олиб борувчи: Ассалому алайкум, ҳурматли китобхонлар ва даврамиз меҳмонлари! Бу йил журналист, таниқли адиб ва моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Шу санага бағишланган бугунги давра суҳбатимизга меҳмонларни таклиф этганмиз. Улар билан сизларни таништираман. *(Сўзга чиқувчилар таништирилади)*

Мавзу бўйича саволлар ва фикр-мулоҳазаларингиз бўлса билдиришларингиз мумкин.

Мирзакалон Исмоилий ҳақида гап кетганда, аввало асарлари ёшлар тарбиясини ва маънавиятини янада юксалтиришда аҳамияти катта. Бу ҳақида олим(а)миз _____ дан сўзлаб беришни илтимос қиламиз. Марҳамат!

Олим(а): Мирзакалон Исмоилий бир қанча асарлар яратди. Муаллиф яратган асарларида одоб, ахлоқ, инсоний фазилатлар қаламга олинган. Жумладан, “Одавийлик қиссаси” асарида ёшларни ҳамиша қизиқтириб келган ишқ-муҳаббат, инсон ҳусни, инсоний ҳуқ атвор, инсоний фазилатнинг улуғлиги тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шуниндек, қиссада инсонга оид жуда кўп фазилатлар бирма-бир санаб, таърифлаб берилган.

Мирзакалон Исмоилийнинг ахлоқий мавзуда яратган асарларидан бири “Қизлар дафтарига” ўн бир оқшом ҳикояти рисоласидир. Рисолада ҳар бир оқшомнинг мазмуни чиройли, ибратли битик ва ҳикоятлар орқали ёритиб берилган. Бу оқшом ҳикоятларини ўқиган ҳар бир қиз янги ахлоқий фазилатлар билан ҳаётини бойитади. Саодат буви васиятларига амал қилади.

Олиб борувчи: Мазмунли ва қимматли маълумотларингиз учун раҳмат. Энди сўз навбатини Ўзбекистон халқ шоирасига берамиз. Марҳамат.

Ўзбекистон халқ шоираси_____Фикрингизни давом эттириб айтаманки, Мирзакалон Исмоилий яратган ахлоқий қиссалар бугунги кунда ҳам ўзининг бадиий қийматини йўқотган эмас. Жумладан, “Қизлар дафтарига” киритилган ўн бир окшом ҳикояти ҳар бир қиз ва келин учун катта ҳаёт мактаби бўлиб ҳисобланади деб ўйлайман. Мен бугун ушбу асарнинг “Саккизинчи окшом ҳикояти”га тўхталиб ўтаман.

Хукуматимиз томонидан хотин-қизларга имконият ва имтиёзлар, доимий ғамхўрлик ва эътибор берилмоқда. Лекин бу улуғ неъматларни суъистеъмол қилувчилар ҳам борлиги бизни афсуслантирмай қўймайди.

Яхши аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўз латофати ва меҳру шавқатини йўқотмайди. Аёл ким бўлмасин барибир аёл, она бўлиб қолади. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳар бир окшом ҳикоятида доно гаплар бор.

Олиб борувчи: Адиб асарларининг бугунги кундаги аҳамиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб, ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берганлигини эътиборга оlish учун раҳмат. Энди сўз навбатини Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори_____га берамиз. Марҳамат.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори: Мирзакалон Исмоилий ўз ижодида кўпроқ одоб-ахлоқ, насиҳатларга урғу берган. “Қизлар дафтарига” киритилган окшом ҳикоятлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Мен бешинчи окшом ҳикоятидан бир парча келтирмоқчиман: “Севгида вафо йўқ. Аслида илк севгининг ўзи йўқ!” деб умидсизликка бериладилар. Бу – масаланинг бир томони. Яна бир муҳим томони – одамда ёшлик чоғларидан бошлаб орттирилиши, яъни танасига сингдириб борилиши зарур бўлган кўп чиройли бир фазилят борки, унинг оти – гўзаллик ҳисси, гўзаллик ишқидир. Инсон қалби ёшлигида ана шу маънавий гўзалликни ўзига қанча кўп жо қилса, кейинча топишадиган икки қалб севгиси ҳам жуда кўп йиллар давомида тароватини, ҳароратини, тозаллик ва поклигини йўқотмайди.

Ҳақиқатан, ёзувчи айтган улуғ фазилятларни биз ёшлар ўзимизда мужассамлаштирсак, ҳеч қачон ҳаётда қоқилмаймиз.

Адибнинг асарларини ўқиган сайин ундан маънавий гўзалликнинг очилмаган қирралари чиқаверади.

Олиб борувчи: Адиб асарларининг ёшлар тарбиясига таъсири ҳақидаги фикрларингиз учун раҳмат. Энди сўз навбатини Мирзакалон Исмоилий асарларини севиб мутолаа қилган китобхонга берамиз. Марҳамат.

Китобхон: “Қизлар дафтарига” китобидаги Саодат буви атрофига тўпланган Турсуной, Нигора, Муқаддас, Ёркинойларга берилган васиятлар ҳар бир қизнинг ҳар қадами ва ҳаётида даструл амал бўлади деб ўйлайман.

Олиб борувчи: Азиз меҳмонлар ва иштирокчилар! Тадбир орқали атоқли адиб Мирзакалон Исмоилийнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги асарлари жуда чуқур тарбиявий аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг ёш китобхонларда ўзбек адабиёти дурдоналарига ва уларнинг ижодкорларига бўлган қизиқиш юксак даражада, десак муболаға бўлмайди. Азизлар иштирокингиз учун раҳмат. Хайр. Саломат бўлинг.

ЕТТИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИДАН ПАРЧА

*Яхши бўлсанг – тахту бахтинг қўлингда,
Турфа гуллар унгай ўнгу сўлингда.*

Яхши келин

Шакархонни никоҳ оқшомининг эртасига, тонг энди кўз укалай бошлаган субҳ-содикда келинсаломга олиб чиқишди. Қайната-қайнана, қайнаға-қайнэгачи, амма-хола, яқин-узоқ қариндошлар атаганларини ушлаб қатор туришарди. Шакархон бошига солинган ҳарир ҳинду рўмоли остидан уларга қаради-ю, югуриб бориб қаторларига туриб олгиси келди. Шунчалар яқин, шунчалар азиз кўрди уларни ўзига!

Шакархон янга эълони билан аввал қайнатасига икки букилиб салом берди. Қайнатаси атаганини унинг бошига қўйиб, узоқдан-узоқ дуо қилди. Етти паҳлавон ўғилу етти жонон

қиз тилади. Аҳил бўлинглар, тотув яшанглар деди. Қайнанаси эса, Шакархоннинг бошига битта сопол лаганны тўқ этказиб қўйди-ю, дуо ҳам қилмай, қайрилиб кетаверди. Ер ёрилмади-ю, Шакархон ерга кириб кетмади. У ўзини йўқотиб, нес бўлиб қолди. Энди у кимларга салом берди – билмади, кимлар нима деди – укмади. Фақат уйга киргандагина ўзига келди. Янга шу ерда эди, у маъюс деди:

– Бу қанақаси бўлди, а, опа? Қайнана ҳам шунчалик бемехр бўладими? Тавба! Ҳалитдан шундай қилсалар, кейин нима бўларкин, а?

Янга унинг қалбида тутай бошлаган ўтни ёндирмади. Ўзини оғир тутиб, босиқ овозда деди:

– Нима бўлиши ўзинга боғлиқ, айланай. Яхши бўлсанг, улар ҳам яхши бўлиб кетадилар. Ёмон бўлсанг-чи, ҳали буни ҳолва билавер. Одамни одам илитади, эсингда бўлсин! – деди янга Шакархонга далда бериб.

Шакархон янгасининг айтганини қилди. Қайнанаси билан гаплашганда, тилидан бол томарди, дакки-дашном эшитганда лаб-лунжини осилтириб, қора булутга ўхшаб олмай, чарақлаб кулар, айникса, бир нарсани ундай қилмабсиз, бундай қилмабсиз, деса, “Вой каллам курсин-эй, ақлим етмабди-я! Хўп, ойижон, айтганингиздай қиламан. Башарти ундан ҳам орттириб қойил қилиб қўйсам – уришмайсизми? А, ойижон, уришмайсизми?” дейди-ю, чарақлаб келиб, қайнанасини ана шунақа ҳазил-мутуйиба билан енгиб юборади. Шакархоннинг бу уйда илдизини мустаҳкам қилган, қайнанасини аста-секин илители олишига имкон берган фазилатларидан бири – чақимчи эмаслиги бўлди. У қайнанасидан ҳақсизлик, адолатсизлик кўрса ҳам, илон пўст ташлаб юборадиган ёмон гаплар эшитса ҳам, ичига ютиб, аламини кулги билан енгиб юраверди.

Шакархон асл келин экан. Қайнанасидан кўрган адолатсизликларнинг биронтасини эрига айтмади, кўзи ёши қилиб зорланмади, онангиз ундоғ деди, онангиз бундоғ деди, деб эрининг юрагини эзмади. Айникса, ундай бўлди, бундай бўлди деб онасининг олдига йиғлаб бормади. Аксинча, ҳеч қандай жафо кўрмаган бахтли одамдай ота-онасининг олдига

кулиб бориб, кулиб келиб юрди. Шакархон бу кўргиликларни эртами-кеч шифо топиб кетадиган ўткинчи дардга ўхшатар шифо кунли келишини қаноат билан кутар эди. Шу тахлит кунлар, ойлар ўтди. Қилдан қийиқ топадиган, ўзининг гапидан ўзгасини тан олмайдиган, қайсар, кажр қайнана Шакархонни шунчалар яхши кўриб қолдики, уни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмай эъзозлайдиган бўлди. Қизиғи шу бўлдики, табиатан кўрс, тарс-турс гапирадиган қайнанаси Шакархон шарофати билан ноппа-нозонин мулойим, юмшоқсўз ҳам бўлиб қолди

– “Яхши гап билан илон инидан чиқади”, деганлари шу экан-да! – деб қувонади қайнатаси хотининг юмшоқ бўлиб қолганидан терисига сиғмай хурсанд бўлиб.

Ҳа-да:

Гулки берди тикан захрига бардош,

Бўлди оқибат гул мисоли қуёш.

“Мирзакалон Исмоилий – таниқли адиб” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Мирзакалон Исмоилий ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

Бу бўлимга Мирзакалон Исмоилий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ўзбек ва бошқа тиллардаги нашрлар қўйилади.

2. Мирзакалон Исмоилий – улкан ёзувчи

Бу бўлимда Мирзакалон Исмоилий яратган асарлар намоиш этилади.

3. Мирзакалон Исмоилий – моҳир таржимон

Бу бўлимда Мирзакалон Исмоилийнинг рус ва жаҳон адабиётидан ўзбек тилига таржима қилган асарлари намоёниш этилади.

**Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаёти ва ижодига
бағишлаб кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва
ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин
бўлган тадбирлар туркуми**

Китобхонлар конференцияси

1. “Фарғона тонг отгунча” романи бўйича.
2. “Инсон ҳусни” асари бўйича.

“Эзгулик куйчиси”, “Гўзалликни куйлаган адиб” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Мирзакалон Исмоилий ҳаёти ва фаолиятига бир назар”;
2. “Мирзакалон Исмоилий таржималарини биласизми?” каби мавзуларда;

“Мирзакалон Исмоилий – ёзувчи”, “Мирзакалон Исмоилий – ёзувчи ва таржимон”, “Адиб Мирзакалон Исмоилий 100 ёшда”, “Таржимон Мирзакалон Исмоилий 100 ёшда” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Мирзакалон Исмоилий ижодида гўзалликнинг улуғланиши”;
2. “Мирзакалон Исмоилий ижодида панд-насихат” каби мавзуларда.

“Моҳир адиб”, “Халқ севган адиб”, “Моҳир таржимон” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Мирзакалон Исмоилий таржима қилган асарларни биласизми?”;

2. “Мирзакалон Исмоилийнинг ҳикоя ва очеркларини ўқиганмисиз?” – каби мавзуларда.

“Моҳир журналист”, “Маърифат ҳомийси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Мирзакалон Исмоилий ўғитлари”;

2. “Мирзакалон Исмоилий ҳикоятлари”;

3. “Сўнмас садо”;

4. “Ёзувчининг бахти”;

5. “Ўтганларни хотирлайлик” каби мавзуларда;

“Ўчмас номинг”, “Адиб барҳаёт”, “Халққа манзур таржимон” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабиётлар

Исмоилий Мирзакалон. Бизнинг роман: Қисса.-Т.: Ёш гвардия, 1963.-167 б.

Исмоилий Мирзакалон. Инсон ҳусни: Лавҳалар.-Т.: Ўзбекистон, 1965.-82 б.

Исмоилий Мирзакалон. Озод инсон ҳақида қўшиқ: (Жанговар лавҳалар, очерклар, ҳикоялар).-Т.: Ўзбекистон, 1965.-45 б.

Исмоилий Мирзакалон. Одамийлик қиссаси: (Ахлоқ ҳақида лавҳалар).-Т.: Ўзбекистон, 1969.-176 б.

Исмоилий Мирзакалон. Одамийлик қиссаси: (Ахлоқ ҳақида лавҳалар).-Т.: Ўзбекистон, 1972.-175 б.

Исмоилий Мирзакалон. Одамийлик қиссаси: (Ахлоқ ҳақида лавҳалар).- 3 нашри /Сўз боши муаллифи Мели Жўра.-Т.: Ўзбекистон, 1975.-176 б.

Исмоилий Мирзакалон. Фарғона тонг отгунча: Роман.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

Китоб 1: Қаър гулдуриси.-4 нашри.-1982.-470 б.

Китоб 2: Сўнгги кеча.-3 нашри.-1982.-408 б.

Исмоилий Мирзакалон. Ўзингдан кўр: Ахлокий қисса.-Т.: Ёш гвардия, 1986.-158 б.

Исмоилий Мирзакалон. Инсон ҳусни: Ахлоқ-одоб мавзуидаги суҳбатлар /Нашрга тайёрловчи Тоҳир Малик.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-256 б.

Исмоилий Мирзакалон. Фарғона тонг отгунча: Роман /Таҳрир ҳайъати: И.Шоғуломов (раис) ва бошқ. Сўнг сўз муаллифи Тоҳир Малик.-Т.: Шарқ, 1995.-478.- (XX аср ўзбек романи).

Исмоилий Мирзакалон. Қизлар дафтари: (Ўн бир оқшом ҳикояти).-Қайта нашр.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-128 б.

* * *

Мирзакалон Исмоилий (1908-1986) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар).-Т.: Фан, 1993.-Б.65-66.

Мирзакалон Исмоилий (1908-1986) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (XX аср ўзбек адабиёти).-Т.: Ёзувчи, 2000.-Б.62-63.

Мирзакалон Исмоилий (1908-15.10.-1986.5.5.) //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд Конимех-Мирзоқуш /Таҳрир ҳайъати М.Аминова, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ. -Т.:

Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти,
2003.-Б.695.

Мирзакалон Исмоилий (1908-1986) //Мирвалиев С.,
Шокиров Р. Ўзбек адиблари: XX аср ўзбек адабиёти: Ўқув
қўлланма / Масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Фан, 2007.-Б.66-67.

Ахророва Х. Ҳаёт оғир эди, сўзлаш ҳам...: [Мирзакалон
Исмоилий ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-1
окт.

Исомиддинов З. Гарчи калон эди... [Адиб Мирзакалон
Исмоилийнинг таржимончилиги ҳақида] //Миллий тикланиш.-
2000.-23 май.

Исомиддинов З. Моҳир таржимон: [Мирзакалон Исмоилий
ҳақида] //Жаҳон адабиёти.-2005.-№7.-Б.143.

Норматов М. Ёнимиздаги одам: Ёшларга мураббий:
[Мирзакалон Исмоилий ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1998.-Б182-185.

Тоҳир Малик. Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги:
[Мирзакалон Исмоилий ҳаёти ва ижоди ҳақида] //Жаннат
макон.-2007.-№5.-Б.14-19.

Усмонов Э. Ошуфта кўнгил: [Адиб Мирзакалон Исмоилий
ижоди] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-26 нояб.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 29 октябрь

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 1.75 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 120

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33.